

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

2-2011  
АПРЕЛЬ

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

### **С.УСМОНОВА**

“Беовульф” ва “Алпомиш” достонларида халқпарварлик ғояларининг бадиий ифодаси.....	63
--	----

## ТИЛШУНОСЛИК

### **А.ЗИЯЕВ**

Ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сифат сўз туркумida интенсификация ва деинтенсификация ҳодисасининг намоён бўлиши.....	66
---	----

### **Н.ХОШИМОВА**

Сўзларнинг мазмуний алоқаси тадқиқида занжирли ассоциатив тажрибанинг ўрни .....	69
--	----

### **М.ДАНИЕВА**

Инглиз тилидаги сўз бирикмалари таркибий қисмларининг ўзаро муносабати.....	72
---	----

### **Г.ГАНИЕВА**

Ҳозирги замон инглиз ва ўзбек тилларида топонимларнинг лингвокогнитив асослари .....	76
--	----

### **Д.ТЕШАБОЕВ**

Ўзбек халқ оғзаки ижодида ҳавола бўлакли эргашган қўшма гаплар.....	80
---	----

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

### **А.АСИМОВ**

Бошланғич синфларда масала ечишдаги ижодий ёндашиш .....	83
--	----

### **М.ҚАХҲОРОВА, З.ПОЗИЛЖОНОВА**

Тест турлари ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.....	85
--	----

### **Ш.УСМОНОВ**

Шахслараро муносабатларда толерантликнинг эмпирик таҳлили .....	88
---	----

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

### **М.ҲАКИМОВ, З.ХОДЖАЕВА**

Модус ва диктум тушунчалари хусусида .....	92
--	----

### **Э.НАСРУЛЛАЕВ**

Ўзбек халқ поэтик ижодида достончилик анъаналари .....	95
--	----

### **Н.ҚОЗОҚОВА**

“Шум бола” қиссасининг айрим лексопрагматик хусусиятлари .....	97
--	----

## АДАБИЙ ТАҚВИМ

### **С.МҮМИНОВ, Т.МҮМИНОВА**

Абдулла Орипов шеъриятида муаллиф шахсияти ва лирик қаҳрамон.....	99
---	----

## ҚУТЛОВ

Сўз илмининг заргари .....	101
----------------------------	-----

Касбидан ҳурмат топган устоз.....	102
-----------------------------------	-----

## ТАҚРИЗ. БИБЛИОГРАФИЯ

Янгича шакллар таҳлили .....	104
------------------------------	-----

Библиография .....	106
--------------------	-----

## ХОТИРА

Камтарлик ва комиллик соҳиби эди .....	107
--	-----

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

УДК: 8+371.035.6

**“БЕОВУЛЬФ” ВА “АЛПОМИШ” ДОСТОНЛАРИДА ХАЛҚПАРVARLIK ҒОЯЛАРИНИНГ  
БАДИЙ ИФОДАСИ**

С.Усмонова

**Аннотация**

Ушбу мақолада “Беовульф” ва “Алпомиш” достонларида халқпарварлик, мардлик, инсонийлик ғояларининг бадиий ифодаси тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье исследуется художественное изображение идей патриотизма, мужественности, человечности в поэмах “Беовульф” и “Алпамыш”.

**Annotation**

*This article analyses the literary ideas of patriotism, manhood and humanity in poems “Beowulf” and “Alpamish”.*

**Таянч сўз ва иборалар:** халқпарварлик, адабиёт тарихи, қаҳрамонлик эпоси, Англо-Саксон, образ, эпик анъана.

**Ключевые слова и выражения:** патриотизм, история литературы, патриотический эпос, Англо-Саксон, образ, эпическая традиция.

**Key words and expressions:** patriotism, the history of literature, patriotic epos, Anglo-Saxon, character, epical tradition.

Ҳар бир халқ ўзига хос тарихи, маданияти, санъати ва адабиёти билан ажралиб туради.

Адабиёт тарихи халқ тарихининг ажралмас бир қисми бўлиб, у жамиятнинг умумий тараққиёти билан узвий боғлиқдир.

Тарихнинг энг қадимги даврларидан бошлаб, инсон нафақат ўзининг тирик қолиши учун, балки у ўз қабиласи, уруғининг узоқ яшаб қолишига ҳам замин тайёрлаган. Кишиларнинг атрофни ўраб турган олам ҳақидаги тасаввури, билим ва ҳаётий тажрибалари келажак авлодга ўзига хос шаклларда етказилган. Шунингдек, турли халқларнинг, ҳаттоқи бир-биридан жуда йироқ масофада яшовчи халқларнинг фольклорида жанр, шакл, ғоя жиҳатдан муштаракликни ҳам кузатиш мумкин.

Жаҳон ва ўзбек адабиёти ривожида халқ оғзаки ижодининг ўзига хос ўрни бор. У миллат маданияти, тарихи, тараққиёти ва ривожланишдаги ўзига хос хусусиятларни намоён этади. Фольклорнинг бебаҳо намуналари бўлган қаҳрамонлик достонлари кенг қамровлилиги ва ҳажмининг катталиги, кўтариб чиқсан ижтимоий-сиёсий, ахлоқий муаммолари, сюжетининг сертармоқлилиги ва драматизмининг ўтқирлиги, персонажларининг кўплиги билан ажралиб туради. Бундай асалар марказида жамият ва халқ тақдири туради.

Қаҳрамонлик достонларида

жамият, халқ ва қаҳрамон яхлит бир бутунликда тасвирланади, улар ўртасида зиддият бўлмайди. Балки шу халқ, шу қаҳрамон билан ташқи душманлар ўртасидаги зиддият тасвирланади. Уларда ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсонпарварлик, меҳр-муҳаббат, дўстлик ва садоқат, меҳнатсеварлик ғоялари илгари сурилади.

Инглиз қаҳрамонлик эпоси “Беовульф” ва ўзбек қаҳрамонлик эпоси “Алпомиш”ни қиёсий ўрганар эканмиз, уларда қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоялари улуғланиб, муҳаббат, садоқат, мардлик, жасорат куйланганлиги, сотқинлик, ёмонлик ва разолат қораланганигини кузатишими мумкин.

Қадимги англо-саксон қабилалари ҳаётига оид воқеалар тарихидан ҳикоя қилувчи илк асар “Беовульф” қаҳрамонлик достони ҳисобланади. Достон матни 3000 мисрадан иборат бўлиб, қадим инглиз тилида ёзилган. Илмий манбаларда достоннинг яратилган вақти ҳақида аниқ маълумотлар мавжуд эмас. Кўпчилик олимлар “Беовульф” Англия христианликни қабул қилмасдан олдин яратилганлигини таъкидлашса, ҳозирги замон олимлари асар VIII-IX асрларда христиан клириклари томонидан ёзилган, деган фикрни илгари

С.Усмонова – ФарДУ инглиз тили ва адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

суради. Бундай хуносага асарнинг бир бутунлигига монелик қилувчи эски “Таврот”дан катта ҳажмдаги парчаларнинг келтирилиши асос бўлади [1.7].

Х асрга мансуб ягона қўлёзма нусхаси бизгача етиб келган мазкур достон икки қисмдан иборат. Достоннинг дебочасидаги воқеалар англо-саксонларнинг қадимий ватани бўлган Дания тарихига мансуб бўлиб, қирол Скильд Скефинг ва унинг набираси қирол Хротгар даврида содир бўлиб ўтади.

Достоннинг иккинчи қисмida эллик йил гаутлар қироли бўлган паҳлавон Беовульф кексайган чоғида ватанига тажовуз қилган аждаҳо билан олишиб, ўзи ҳам оғир ярадор бўлади. Жароҳатдан заҳарланган Беовульф ҳаётдан кўз юмади.

Достондаги воқеалар давоми паҳлавон Беовульфни тантанали дағн этилиши маросимлари билан якунланади [2.17].

Инглиз халқ достони “Беовульф”да халқ қаҳрамони Беовульф ўз ватанини ҳимоя қилади. Ўн икки йил давом этган ҳужумлар қирол Хротгарнинг тинкасини қуритади. Бу ҳолатдан безиган халқ олдига Беовульф чиқади, у ўз халқи озодлиги учун Грендел билан курашиб, уни енгади ва халқ қаҳрамонига айланади [3.547]. Ватан ҳимояси ва уни тинчлиги учун кураш-тасвири ҳар икки достон тематикасининг ўзига хослигини очиб беради. Асар қаҳрамони маҳлуқни ҳужум қилганига пушаймон қилдиради ва шу билан халқ бир зулмкор маҳлуқ тазиқидан халос бўлади. Девларнинг инсонларга ҳужуми ва уларнинг одамзод томонидан мағлуб этилиши, ватан ва унинг ҳимояси учун бел боғлаган қаҳрамон ҳеч нима, ҳеч кимдан кўркмай маҳлуқлар ҳамда девларга қарши чиқиши иккала достонда тасвирлаб берилган.

Достондаги қаҳрамонлар образини яратишида муболағадан унумли фойдаланилган. Беовульф образи жасур, мард, халқпарвар, виждонли шахс сифатида намоён бўлса, Грендаль образини эса уни акси сифатида кўришимиз мумкин. Беовульф образи камтар, адолатли ва элсевар хукмдор эканлиги унинг учун моддий манфаатдан кўра ватан, халқ, инсон каби тушунчаларни улуғ эканлиги достонда асослаб берилган. Достондаги Беовульф образи душмани Хигелакнинг фарзанди таҳтга ўтиришига ёрдам беради. Бу эса

қаҳрамонда умуминсоний хислатлар мужассам эканлигидан далолат беради [4].

Ўзбек халқ оғзаки ижоди намуналаридан қаҳрамонлик достонларининг ёрқин намунаси сифатида бизгача “Алпомиш” эпоси етиб келган. “Алпомиш” достонининг оғзаки эпик анъаналарда бизгача етиб келган нусхалари IX-X асрларда яратилган [5.400]. “Алпомиш” достони бизга инсонпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз кўргонини қўриқлашга, тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади.

“Алпомиш” достони минг йиллар қаъридан бизга қадар етиб келган асрлар нидоси, аждодларимиз орзу-армонларининг муштараклигидир.

“Алпомиш” достони туркий халқлар ўртасида кенг тарқалган ва севиб куйланадиган асарлардан бири бўлиб қолди. Достонда халқнинг қаҳрамонлик ва гўзаллик, дўстлик ва биродарлик, вафодорлик ва содиқлик ҳақидаги ғоялари ифодаланган асар сифатида қимматлидир. Достондаги бош қаҳрамон “Алпомиш” образи қаҳрамонлик ва гўзаллик, дўстлик ва биродарлик, вафодорлик ва содиқлик каби фазилатлари билан қимматлидир.

Достон Кўнғирот уруғи бошликлари – ака-ука Бойбўри ва Бойсарининг фарзандсизлиги тасвири билан бошланади.

“Алпомиш” образининг қаҳрамонлиги закот талаб қилганилиги учун акаси Бобурийдан аразлаб, Кашал элига кўчиб кетган Бойсари оиласи устига бостириб келган қалмоқ шоҳи Тойчахон лашкарига қарши курашида ва уларни тор-мор қилишда яққол намоён бўлади [6.14].

Алпомишининг адолатпарварлиги Қалмоқ шоҳ лашкарига қарши курашда, оддий одамларга хайриҳоҳлигига кўринади. Алпомиш қалмоқ ютига босқинчилик қилиш учун эмас, балки Қалмоқшоҳ томонидан мол-мулки таланганд, хизматкор қилинган Бойсарини Бойсунга олиб келиш учун боради. Бу курашда у қалмоқ ютидаги илғор кучлар: малика Товка ва оддий чўпон Кайқубод мададига таянади. Улар Алпомишга зиндандан кутулиб чиқишида ёрдам кўрсатадилар. Достондаги бу тасвир орқали одамга одам дўст бўлиб, яхшилик қилиши, садоқат ва муруват кўрсатиши

## **АДАБИЁТШУНОСЛИК**

кераклиги тарғиб этилади. Бу инсон учун улуғ фазилатидир.

Достондаги бошқа барча ижобий образлар, жумладан, чўпон Қултой бобо, Кайкубод, Қалмоқшоҳнинг қизи Товка ва бошқалар халқ тасаввурнида элсеварликни, жисмоний камолот ва маънавий юксакликни ўзида мужассамлаштирган инсонлардир. Ҳалқнинг қаҳрамонлик ва мардлик ҳақидаги ғоялари, ватанпарварлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат тўғрисидаги орзу-умидларини достоннинг асосий ижобий қаҳрамонлари тимсолида кузатиш мумкин.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, икки хил мақомда турли халқлар ижоди маҳсулни бўлган “Алпомиш” ва “Беовульф” достонлари фарқли хусусиятлар билан бирга, муштарак жиҳатларга ҳам эга. Ҳар икки достон халқ руҳиятини тасвирлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Лирик қўшиқлар шахсий инсоний кечинмаларни акс эттирган.

Инглиз ва ўзбек достонлари орасидаги ўхшашиблик ва муштаракликка инсоният тарихида ҳамма миллат маданияти баравар ривожлана бошлаганини кўрсатиш билан бир қаторда жаҳон тамаддунида дунё халқлари достончилигига бир-бирини тўлдириб, кенгайтириб боришининг яқъол намунасидир. Жанрлар мавзуси, гоявий тузилиши орасидаги ҳамоҳанглик бу фикримизнинг тасдигидир. Бу ўринда инглиз халқ оғзаки ижоди бўйсундирилган қабилалар адабиёти ҳисобига ҳам ривожланганлигини эътироф этиш лозим.

“Беовульф” достони ҳам ўша даврга мансуб французларнинг “Роланд ҳақидаги қўшиқ”, испанларнинг “Сид ҳақидаги қўшиқ”, русларнинг “Игорь полки жангномаси”, ўзбекларнинг “Алпомиш” каби қаҳрамонлик достонлари қаторида туради ва ўрта асрлар Европа адабиётининг илк намунаси сифатида қадрлидир.

### **Адабиётлар:**

1. Аникин Г.В., Михальская Н.П. История английской литературы. –М.: Возрождение, 1982.
2. Алексеев М.П. Поэма о Беовульфе. – М.: Наука, 1943.
3. Азадовский М.К. Статьи о литературе и фольклоре. – М.: Наука, 1960.
4. Аскар Зуннунов. Педагогика тарихи. – Т.: Шарқ, 2004.
5. Парамонова М. Статья: “Беовульф - поэма об идеальном герое”. – М.: Высшая школа, 2010.
6. Ҳ.Мирзаев., Т. Мирзаев. Алпомиш. Халқ достони. – Т.: Шарқ, 1988.

(Тақризчи: А. Қосимов, филология фанлари доктори).